



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

№3

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2025



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2025 йил, 3-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров
PhD, доцент И.М.Пардаева
PhD, И.Ш.Эрназарова

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида
тарқатилади.**

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

И.Б.Маттиев – СамИСИ профессори, DSc

МУНДАРИЖА:

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Озода Мамаюнусова Пардаева, Севара Абдуназаровна Бабаназарова Инсон ресурсларидан самарали фойдаланишнинг концептуал йўналишлари	5
Раъно Суннатхоновна Умарова Давлат фуқаролик хизматчиларининг малакасини оширишга бўлган замонавий ёндашувлар	10
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Berdiyar Yangiboyevich Yangiboyev Sun'iy intellekt texnologiyalaridan milliy iqtisodiyotda foydalanishning ayrim jihatlari	18
Тўлқин Шокирович Эргашев Инновацион тадбиркорлик фаолияти билан кадрлар тайёрлаш менежменти ўртасидаги иқтисодий алоқадорликнинг намоён бўлиш хусусиятлари	21
Munavvar Sur'at qizi Xusniddinova Turizmدا raqamli texnologiyalardan foydalanish: jahon tajribasi va o'zbekiston uchun xulosalar	26
Тимур Ибодуллаевич Ибрагимов Интеграция вузов и предприятий в инновационном развитии экономики	32
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Рузбой Нормухаматов, Акрам Джуракулович Гафуров, Ирода Болиева Флавоноидлар ва инсон саломатлиги	36
Botir Khayat Muradov, Olimjon Komiljonovich Muratkulov Problems and solutions to the prospects for the transition of mining enterprises to a green economy on the example of the coal industry	39
Рузбой Нормухаматов, Акрам Джуракулович Гафуров, Суннат Бозоров Озуқабоп тоғлар ва соғлом овқатланиш	42
ТАДБИРКОРЛИК, МЕХНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ	
Shuhrat Marufjonovich Islomov, Avazbek Sa'dullayevich Qarshiyev Mehnat bozorida o'zgarishlarning o'rtacha ish haqiga ta'siri va uning tahlili	45
Maftuna Shavkatovna Xudayarova Aholining tadbirkorlik faolligini baholashning hududiy yondashuvi	50
Murodbek Dusmurot o'g'li Usmonov Qishloq joylarida aholi bandligini oshirish orqali kambag'allikni qisqartirish yo'llari	57
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Дилбар Хасановна Асланова, Тимур Ибодуллаевич Ибрагимов Анализ предложения на рынке услуг высшего образования и тенденции его развития	61
Обид Мамаюнусович Пардаев Юқори технологик хизматларнинг назарий масалалари ва уларнинг коммунал хизматлар соҳасида қўлланилиши	64

САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

УЎК 634.1/7:635.1/8

Рузбой Нормухоматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.,
Акрам Джуракулович Гафуров – СамИСИ катта ўқитувчиси,
Ирода Болиева – СамИСИ, 4-босқич Сат-122 гуруҳ талабаси

ФЛАВОНОИДЛАР ВА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ

Аннотация. Мазкур мақолада озиқ-овқат маҳсулотлар таркибида бўладиган флавонидлар ва уларнинг турлари, инсон саломатлигини сақлашдаги роли ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, муаллифлар соғлигини сақлаш муҳим деб ҳисоблайдиган ҳар бир киши ўз овқат рационида флавонидларга бой бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиши кераклиги бўйича ҳам тавсия берадилар.

Калит сўзлар: флавонид, флованол, флаванон, каратиноид, полифенол, мева, сабзавот.

Кириш. Республикамизда аҳоли соғлигини сақлашнинг муҳим элементларидан бири соғлом овқатланишни ташкил этиш ҳисобланади.

Соғлом овқатланиш-урф-одат, аънанани ҳисобга олиб турли аҳоли гуруҳларининг рационал овқатланишида илмий асосланган, эҳтиёжни қондиришни таъминлайдиган, касалликлар профилактикаси ва соғлиқни мустаҳкамлашга ёрдам берадиган турли овқат маҳсулотларини истеъмол қилишга асосланган овқатланишдир.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра жисмоний фаоллик ва овқатланиш меъёр ҳамда қоидаларига амал қилмаслик, таркибида туз, қанд, ёғ миқдори кўп бўлган таом ва ширинликларни меъёридан ортиқ истеъмол қилиш шунингдек, етарли даражада витамин ва минераллар истеъмол қилмаслик оқибатида ёшларда рационал ўсиш ва ақлий ривожланишда ортда қолиш, катталарда эса юрак қон-томир, эндокрин хавфли ўсма каби инсоннинг эрта ўлимига олиб келувчи қатор касалликларнинг ривожланишига сабаб бўлади. Шу сабабли ҳам мамлакатимизда соғлом овқатланиш асосида аҳоли соғлигини сақлаш устувор вазифалардан бири қилиб белгиланган.

Бунинг яққол намунаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10 ноябрь 2020 йилдаги “Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори (1), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 октябрь 2020 йилдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг тадбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2) ва 19 май 2025 йилда қабул қилинган “Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тамойилларини такомиллаштириш орқали соҳани ислоҳ қилишни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (3) фармонлари бунинг яққол намунаси.

Бу борада илмий адабиётларни ўргатиш шундан далолат берадики, инсон соғлигини сақлашнинг муҳим элементларидан бири, унинг рационида доимий равишда таркиби флавонидларга бой озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиб туриш ҳисобланар экан. Таркибида флавонидлар миқдори кўп бўлган маҳсулотлар қаторига эса, асосан ўсимлик маҳсулотлари, яъни мева ва сабзавотлар киради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Маълумки, мева ва сабзавотлар кимёвий таркиби ва биологик қиймати бўйича бошқа озиқ-овқат маҳсулотларидан тубдан фарқ қилади. Бундай фарқ эса асосан ҳўл мева, сабзавотларнинг витаминларга, макро ва микроэлементларга, шунингдек бошқа биологик фаол моддаларга бойлиги билан изоҳланади. Республикамизда ҳам бу борада кўплаб илмий тадқиқот ишлари бажарилган. Масалан, мамлакатимизда илмий ишлар олиб борган тадқиқотчилар қаторига академик М. Мирзаев номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон сабзавотчилик, полизчилик ва картошқачилик илмий тадқиқот институти илмий ходимлари, шунингдек собиқ Самарқанд кооператив институти “Озиқ-овқат товаршунослиги” кафедраси профессор-ўқитувчилари З.В.Коробкина,

А.В.Нацвин, Г.Н.Кругляков, С.Б.Муродова, М. Х.Абдинова, В.С.Капул сингари олимларни, бугунги кунда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида фаолият олиб бораётган Р.Нормахматов, Ғ.Пардаев, А.Д.Ғафуров сингари тадқиқотчиларни киритиш мумкин. Бу соҳада илмий ишлар олиб борган ва бораётган Россия Федерацияси олимлари қаторига эса Ф.В.Церевитинов, В.Г.Сперанский, А.А.Колесник, Л.В.Метлицкий, М.А.Николаева, Л.Г.Елизарова, В.А.Тутельян, А.В. Погожева, А.К. Батурин, М.Н. Макаров, А.В. Куркина сингариларни киритиш мумкин.

Тадқиқот методологияси. Олиб борилган изланишлар натижасида қиёсий таҳлил, иқтисодий статистик таҳлил, умумлаштириш, мантикий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги флавоноидларнинг ва бошқа ўсимлик полифенол бирикмаларининг миқдорий жиҳатлари бўйича жуда кўп амалий материаллар тўпланган (5,6,7,8,9,10).

Бугунги кунга келиб флавоноидларнинг истеъмол даражаси ва уларнинг асосий манбалари бўйича ҳам турли мамлакатларда кўплаб тадқиқотлар ўтказилган ва улар бир қанча илмий ишларда умумлаштирилган (11,12,13,14,15).

Флавоноидлар дастлаб 1936 йилда Нобель мукофоти лаурияти Альберт де Сент – Дьерди томонидан ширин қалампирдан ажратиб олинган. У бу ажратилган моддаларни Р – витамини деб атади ва бу моддани қон томирларининг эластиклигини таъминлаб, уларнинг фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади деган фикрни илгари сурган. Кейинги йилларда бажарилган илмий тадқиқот ишлари бу фикрнинг тўғрилигини тасдиқлайди.

Аввало, ҳар бир истеъмолчини флавоноидларнинг асосий манбалари қайси маҳсулотлар деган савол қизиқтиради.

Сабзавотлар – флавоноидларга бой маҳсулот бўлганлиги билан алоҳида диққатга сазвордир. Ҳар бир сабзавот маҳсулотлари ўзига хос флавоноид моддалари таркибига эгадир. Масалан, брокколи карамининг асосий флавоноидларини кверцетин ва кемпферол флавоноидлари, қизил бош пиёзда кверцетин флавоноли, ачиқ қизил қалампир мевасида кверцетин флавоноиди билан лютеолин флавоноли, бақлажан сабзавотида эса, делфенидин антоцианидлари ҳисобланади. Юқори даражада антиоксидантлик фаоллигига эга бўлган яна бир гуруҳ бирикмаларига каратиноидлар киради.

Чой ичимлигини хуш кўрувчилар, чойни хуш кўрмайдиганларга нисбатан кўп миқдорда организм учун зарур бўладиган антиоксидант моддаларини олади. Айниқса кўк чой юрак қон томирларининг ҳолатига ижобий таъсир кўрсатувчи флавоноидларнинг манбаи ҳисобланади. Бошқа моддалардан фарқ қилган ҳолда флавоноидлар юқори ҳароратда қиздирилганда парчаланмайди, шу сабабли иссиқ сувда дамланган чой ўзининг фойдалилик хусусиятини йўқотмасдан сақлаб қолади. Кўп сонли илмий - тадқиқот ишлари натижасида чой истеъмол қилувчи мамлакатлари аҳолиси орасида атеросклероз ва юрак - қонтомири касалликларининг жуда кам учраши исботланган. Энди эса флавоноидларнинг инсон организмидаги аҳамияти бўйича баъзи фикрларни келтирамиз.

Флавоноидларнинг фойдалилик хусусиятлари қўйидагилардан иборат (16,17,18,19):

- антиоксидантлик хусусияти - уларнинг бу хусусияти организмнинг хужайра ва тўқималарини жароҳатлайдиган ва тезроқ кексайишини келтириб чиқарадиган эркин радикалларни нейтраллаши;

- сурункали касалликлардан ҳимоя қилиш хусусияти - уларнинг бу хусусияти юрак – қон томири, қандли диабет, саратон каби касалликларининг олдини олиши;

- когнитив функцияси - уларнинг бу хусусияти эслаш, ҳушёрлик ва кайфиятини яхшилаши;

- юрак – қон томири тизимининг соғломлигини сақлаш хусусияти – уларнинг бу хусусияти қон таркибидаги холестерин даражасини камайтириб, қонтомирида тикинларнинг пайдо бўлишининг олдини олиши;

- овқатни ҳазм қилиш тизимининг соғломлигини қувватлаш хусусияти - уларнинг бу хусусияти ошқозон микробларининг яхши ишлашини ва овқат ҳазм қилиш тизимини касалликларини олдини олиши;

- ультрабинафша нурланишдан ҳимоя қилиш хусусияти – уларнинг бу хусусияти

терини нурланишдан ҳимоя қилиш ва тери саратони ривожига қарши таъсир кўрсатиши кабиларда намоён бўлади.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда ўз соғлигига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсон ўз рационада флавоноидларнинг тавсия этилган меъёр даражасида (суткада 400 – 500 мг) бўлишини таъминлаши соғлигини сақлашнинг муҳим омили эканлигини тушуниб этиши жуда муҳим ҳисобланади.

Бу борада қўйидаги тавсияларга амал қилиш муҳим аҳамият касб этади.

1. Ҳар бир киши овқат рационада флавоноидларга бой ҳисобланган ўсимлик маҳсулотларининг доимий равишда бўлишини таъминлаши керак.

2. Кўк чой флавоноидларги бой бўлганлиги учун ва иссиқ иқлим шароитида кўпроқ кўк чой ичиш тавсия этилади.

3. Инсон рационада витаминлар, микроэлементлар, озуқабоп толалар билан бир қаторда флавоноидларнинг бўлишлигига эътиборни қаратиши ҳам саломатлигини сақлашнинг муҳим омили эканлигини эътибордан қочирмаслик лозим.

4. Рационда турли хил мева ва сабзавотларнинг бўлишига эътибор қаратиш ҳам саломатликни сақлашнинг муҳим омили эканлигини тушуниб этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10 ноябрь 2020 йилдаги “Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 октябрь 2020 йилдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг тадбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19 май 2025 йилда “Республикада соғликни сақлаш тизимини ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тамоилларини такомиллаштириш орқали соҳани ислоҳ қилишни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
4. Маматқулов Б. Жамоат саломатлиги ва соғликни сақлашни бошқариш. Тошкент, 2019.
5. Запрометов М.Н. Основы биохимии фенольных соединений. М.: высшая школа, 1974, 213 с.
6. Макарова М.Н., Макаров В.Г. Молекулярная биология флавоноидов (химия, биохимия, фармакология). Руководства для врачей. СПб, 2010, 428 с.
7. Тутельян В.А., Погожева А.В., Батулин А.К. Биологические активные компоненты питания кардиологических больных. М., СвР – АРГУС, 2012, №1, 380 с.
8. Crozier A., Jaganath I.B., Clissord M.N. // Nat. Prod., 2009, vol. 26, p. 1001 – 1043.
9. D. Archivio M., Filesi C., Di Benedetto R. et. al // Ann. Ist. Super Sanita, 2007, vol. 59, №7, p. 348-361.
10. Тутельян В.А., Лашнева Н.В. Биологические активные вещества растительного происхождения. Флавонолы и флавоны: распространённость, пищевые источники, потребитель. Вопросы питания, 2013, №1, с. 4-22.
11. Chun O.K., Chung S.J., Song W.O. // J. Nutr., 2007, vol.137, №5, p.1244-1252.
12. Clissord M.N. // Planta Med, 2004, vol.70, p.1103-1114.
13. Hertog M.G.L., Sweetham P.M., Fehily A.M. et. al // Am. J. Clin. Nutr., 1997, vol. 65, №1, p.1489-1494.
14. Romoza – ROSR., Knaze V., Lujan – Barzoso L. et.al // Br. J. Nutr., 2011, vol. 106, №12, p. 1915-1925.
15. Каримов А.И. и др. Флавоноиды растений рода SCUTERLLARIA L. Монография. Ташкент, 2016.
16. Erlejman F.G. The Interaction of Flavonoids with Membranes: Potential Determinant of Flavonoid Antioxidant Effects // Free Radical Research, 2004, 12, p. 1311-1320
17. Куркин А.В. Актуальные вопросы химической стандартизации лекарственных растений, содержащих флавоноиды. Формация, 2012, №7, с. 44-48.
18. Kumar S. Antioxidant Lipol-protective and antibacterial activitis of phitoconstituents present in Solanum, Xanthocarpum root. // International Review of Biophysical Chemistry, 2012, №3, p. 42-47.
19. Cushnie T.P.T. Antimicrobial Activity of Flavonoids. // International jurnal of antimicrobial agents, 2005, №5, p. 343-356.

<p>Р.Нормахматов, А.Гафуров, И.Болиева Флавоноиды и здоровье человека Аннотация. В данной статье представлена информация о роли флавоноидов в продуктах питания, их видах в поддержании здоровья человека. Авторы также рекомендуют всем, кто считает важным поддержание здоровья, употреблять в своем рационе продукты, богатые флавоноидами. Ключевые слова: флавоноид, флаванол, флавон, каротиноид, полифенол, фрукт, овощ.</p>	<p>R.Normakhmatov, A.Gafurov, I.Bolieva Flavonoids and human health Abstract. This article provides information on the role of flavonoids in food products, their types in maintaining human health. The authors also recommend that everyone who considers it important to maintain health should consume foods rich in flavonoids in their diet. Keywords: flavonoid, flavanol, flavone, carotenoid, polyphenol, fruit, vegetable.</p>
--	---

Botir Khayat Muradov – Assistant at TDTU named after Islam Karimov, Tashkent State Technical University

Olimjon Komiljonovich Muratkulov – Assistant at TDTU named after Islam Karimov, Tashkent State Technical University

PROBLEMS AND SOLUTIONS TO THE PROSPECTS FOR THE TRANSITION OF MINING ENTERPRISES TO A GREEN ECONOMY ON THE EXAMPLE OF THE COAL INDUSTRY

<p>Abstract. This article theoretically explains the importance of the mining and energy sector, as well as the coal industry, and their global significance. The article also analyzes methods for organizing the introduction of innovative technologies and increasing the economic base for the future development of the coal industry and the development of industry. Practical problems of industrial development and innovative approaches to enterprises, as well as factors influencing the activities of enterprises, are presented in the form of forecast analysis and schematic results of analysis indicators. Keywords: mining industry, economy, coal, enterprises, innovation, analysis and forecasting, analysis, industry, energy.</p>
--

Introduction. The mining and metallurgical industry plays a significant role in the global economy, influencing leading industries. Almost all states are aimed at developing the production of this industry as one of the promising sectors of the economy. In this regard, the features and prospects of the mining and metallurgical industry are currently really important, and their study is relevant. The high results achieved in the socio-economic development of the world, and for our country, too, are primarily evident in the results of economic stability and the fundamentally improved quality of the industry. In other words, the right choice of the path of independent development, a comprehensive economic policy strategy, and the selfless work of our people are the most important and main factors in the formation of our economy on the right path and content. This is due to the expansion of their powers and the increased level of responsibility for their economic situation. The quality of modern innovative and integrated digital management determines the effectiveness of enterprises.

Literature review. Great fundamental and applied research is devoted to the problems of education among foreign scientists who have conducted scientific research on the effective organization and management of the implementation and development of the activities of production in the economy and in the coal industry. Theoretical foundations, economic essence and scientific aspects of the economic potential of industrial enterprises it has been studied by foreign economists such as I. Ansoff, P. F. Druker. The problem of increasing the economic stability and growth potential of industrial enterprises of the Commonwealth of Independent States (CIS) V.M. Arkhipov, E. V. Joglina, R.V.Biryukov and other scientists R.I. Gimush, M.A. Tillyaxodjayev, Q.R. Allayev, N.R. Yusupbekov, K.A. Muhitdinova, B.H. Murodov, S.M. Turabdjanov, S.M. Niyozov. N.N. Makhmudov, E.A. Egamberdiyev, O.O. Zaripov, M.K. Tillakhojayev, G. J. Allaeva, N. B. Alimukhamedov, Sh.Ya. Maksudova, O.K. Muratkulov, A.A.G‘ulomov, S.A.G‘ulomov, O.O.Kholikulov. Systematic research carried out by the authors of scientific articles and scientific and methodological developments has shown that, despite the importance of research in this area, a systematic study of scientific articles and scientific and methodological developments by scientists has shown that at present, in the case of Economic

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

10.09.2025 йилда теришга берилди. 26.09.2025 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84 $\frac{1}{8}$. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0054А/25

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2025.